

Мажлису
Берлинга



O'ZBEKISTON
RESPUBLIKASI
MILLIY KURTA PALATASI
INV. №

Халқ сўзи

Ўзбекистон -
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2010 йил 15 сентябрь, № 179 (5094) Чоршанба

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ Адлия органлари ва муассасалари фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2010 йил 12 августда қабул қилинган
Сенат томонидан 2010 йил 28 августда маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1989 йил 21 октябрда қабул қилинган «Давлат тили ҳақида»ги 3561-ХI-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган 167-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 257-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда) **12-моддасининг матнидаги** «давлат нотариуси» деган сўзлар «нотариус» деган сўз билан алмаштирилсин.

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги 915-ХII-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 14 апрелда қабул қилинган 758-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 5, 110-модда; 2003 йил, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 9, 420-модда; 2008 йил, № 4, 189-модда, № 12, 640-модда) **14-моддаси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«14-модда. Фуқаролар йиғинларининг раислари (оқсоқоллари) томонидан ўлимни қайд этиш ва ишончномаларни тасдиқлаш

Шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллар фуқаролар йиғинларининг раислари (оқсоқоллари) ўлимни қайд этишни белгиланган тартибда амалга ошириши мумкин.

Фуқаролар йиғинларининг раислари (оқсоқоллари) хат-хабарни, шу жумладан пул ва жўнатмани олиш учун, иш ҳақини ҳамда меҳнат муносабатлари билан боғлиқ бошқа тўловларни олиш учун, муаллифлар ва ихтирочиларнинг ҳақларини, пенсиялар, нафақалар ва стипендияларни, шунингдек банклардан суммаларни олиш учун ишончномаларни белгиланган тартибда тасдиқлаши мумкин».

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015-ХII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Мазмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5-6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4-5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар) қуйидаги қўшимчалар киритилсин:

1) қуйидаги мазмундаги **197²-модда** билан тўлдирилсин:

«197²-модда. Нотариуснинг касбий мажбуриятларини бажаришига тўсқинлик қилиш

Нотариуснинг касбий мажбуриятларини бажаришига тўсқинлик қилиш, шу жумладан нотариуслар нотариал ҳаракатларни амалга ошириш учун зарур бўлган маълумотлар ва ҳужжатларни тақдим этмаслик,

энг кам иш ҳақининг икки бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

2) **245-модданнинг биринчи қисми** «197¹» рақамидан кейин «197²» рақами билан тўлдирилсин.

4-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган 163-сонли ва 1996 йил 29 августда қабул қилинган 256-сонли қонунлари билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 2-сонга илова, № 11-12; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 9, 229-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 182-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 154-модда, № 9, 494, 498-моддалар; 2007 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 4, 156,

(Давоми 2-бетда).

ИСТИҚЛОЛ ФАРЗАНДЛАРИ

мамлакатимизда кенг қўламли ислохотларнинг самарали амалга оширилишида фаол иштирок этмоқдалар



Истиқлол йилларида юртимизда Президентимиз раҳнамолигида таълим тизимида беқиёс ислохотлар амалга ошириляпти. Бунинг замирида эса ёш авлоднинг баркамол инсон бўлиб вояга етишини таъминлашдек эзгу мақсад мужассам.

2010 йил – Баркамол авлод йили

Айниқса, таълим тизими-га замонавий ахборот ва компьютер технологиялари, интернет тизими, рақамли телекоммуникацияларнинг кенг жорий этилаётганлиги муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Шундай улкан имкониятлардан фойдаланган ҳолда пухта билимга, илғор ахборот-коммуникация технологиялари билан ишлаш малакасига эга бўлган етук салоҳиятли мутахассисларни тайёрлаш талаб этиляпти.

Наманган шаҳридаги транспорт ва ахборот технологиялари касб-хунар коллежи ёшларни малакали мутахассис қилиб тарбиялашда ўзига хос нуфузга эга илм даргоҳларидан бири саналади. Айни пайтда коллежда 900 нафар йигит-қиз таҳсил оляпти.

(Давоми 4-бетда).

ҚИШЛОҚДА ЁШ ОИЛАЛАР УЧУН УЙ-ЖОЙ ҚУРИШ ВА СОТИБ ОЛИШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Куни кеча Жиззах вилояти ҳокимлигида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология қўмитаси билан халқ депутатлари Жиззах вилояти Кенгашининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда ёш оилаларга уй-жой қуриш ва сотиб олишда ёрдам беришга доир қонун ҳужжатларининг Жиззах вилоятида ижро этилишини ўрганиш натижалари муҳокама қилинди.

Қайд этилганидек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 16 февралдаги «Уй-жой қурилиши ва уй-жой бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2010 йил 17 июндаги «Қишлоқ хўжалиқ намунавий лойиҳалар асосида хусусий уй-жой қурилиши кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорларини, 2007 йил 18 майдаги «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 30 декабрдаги «Яқка тартибдаги уй-жой қурилиши тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги ва 2007 йил 3 январдаги «Уй-жой қурилишига, уни реконструкция қилишга ва сотиб олишга ипотека кредити бериш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорларини ва бу соҳани тартибга солувчи бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни рўйбга чиқариш мақсадида Жиззах вилояти қишлоқларида ҳам ёш оилаларга уй-жой қуриш ва сотиб олишда ёрдам бериш, уларга узоқ муддатли имтиёзли ипотека кредитлари ажратиш борасида муайян ишлар олиб борилад.

Жиззах вилоятида доимий яшайдиган 1124800 кишининг 741489 нафарини 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этади. 2007 – 2009 йиллар ва 2010 йилнинг биринчи ярми мобайнида яқка тартибда уй-жой қуриш ва сотиб олиш масаласи буйича ариза билан мурожаат қилган 5250 та ёш оилалар 1431 тасига уй-жой қуришда ёрдам берилган. Бу эса вилоятдаги ёш оилалар умумий сонининг 26,7 фоизини ташкил қилади. Шу давр мобайнида вилоят туман ва шаҳарлари ҳокимликлари томонидан 1553 та ёш оилалар қишлоқда хусусий уй-жой қуриш учун 93,2 гектар

524,7 миллион сўмини ташкил этадиган 325 та хусусий уй қурилиши олиб борилмоқда.

Шу билан бирга, сенаторлар қишлоқда уй-жой қуриш ва сотиб олишда ёш оилаларга ёрдам беришга доир қонун ҳужжатларининг Жиззах вилоятида ижро этилишида маъжуд бўлган айрим хато ва камчиликларга ҳам алоҳида эътибор қаратдилар. Халқ депутатлари Арнасой, Янгйўл туман Кенгашлари эътижманд ёш оилаларга уй-жой қуриш учун ер участкалари ажратиш масалаларига етарли эътибор бермаётганликлари, вилоят ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри бошқармаси томонидан қишлоқда ёш оилаларга ер участкалари ажратиш беришнинг ҳолати етарли даражада мониторинг қилиб борилмаётгани қайд этилди. Ёш оилаларга ер участкалари ажратиш бериш буйича қимомиди савдоларининг ташкил этилиши шу кун талабларига жавоб бермайд.

Масалани муҳокама қилиш асосида сенаторлар томонидан қишлоқда уй-жой қуриш ва сотиб олишда ёш оилаларга ёрдам беришга доир қонун ҳужжатларини ижро этишда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари ҳамда уларнинг доимий комиссиялари, давлат бошқаруви органлари, тижорат банклари, хўжалик юритувчи субъектлари, қурилиш-пудрат ташкилотлари ва бошқаларнинг фаолиятини янада кучайтиришга қаратилган бир қатор тақлиф ва тавсиялар берилди.

Муҳокама юқунлари буйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология қўмитаси билан халқ депутатлари Жиззах вилояти Кенгашининг қўшма қарори қабул қилинди.

Мажлисда сенаторлар, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг депутатлари, маҳаллий Кенгашлар доимий комиссияларининг раислари, вазирликлар, идоралар, тижорат банклари, муҳандислик-қурилиш компаниялари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

(ЎЗА).

МАМЛАКАТ бўйлаб

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

ПОЙТАХТИМИЗДАги «Ўзбекистон» спорт-соғломлаштириш мажмуисидда республика хотин-қизлар спорт фестивали ва гимнастрадасининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

Аёл соғлом бўлса, авлод соғломдир

Тадбирда сўзга чиққанлар мамлакатимизда ёш авлоднинг соғлом ва баркамол инсон бўлиб вояга етишини таъминлаш масаласига катта эътибор қаратилаётганлигини алоҳида таъкидладилар. Зеро, фарзандлар саломатлигини мустақамлаш, оналар ва болалар соғлиғи муҳофазасини таъминлаш, аҳолининг кенг қатламлари орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш борасида олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар бунинг ёрқин ифодасидир. Жойларда хотин-қизлар ҳамда ёшларнинг жисмоний машғулотлар билан мунтазам шуғулланишлари учун юксак даражада шарт-шароитлар яратилаётганлиги, спортнинг оммавийлигини ошириш борасида тегишли чора-тадбирлар амалга оширилаётганлигини алоҳида қайд этиш лозим.

(Давоми 4-бетда).

«Хумо тўқимачи»нинг парвози

Корхона бошқаруви Миллий банк ихтиёрига ўтказилган, «Хумо тўқимачи» номи билан фаолият бошладиган 243 миллион сўмлик инвестиция киритилди. Ушбу маблағ эвазига тўлиқ модернизация қилинган корхонада ўтган қисқа вақт ичида 192 миллион сўмлик тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, унинг асосий қисми экспортга йўналтирилди.

Н. СОБИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

САМАРҚАНД шаҳрида «Баркамол авлод йили» Давлат дастури доирасида бўш иш ўринлари ярмаркаси бўлиб ўтди.

Меҳнат ярмаркаси ўтказилди

Ёшларни иш билан таъминлашга қўмаклашувчи марказ ташаббуси билан ташкил этилган ушбу тадбирда 207 та корхона ва ташкилот 2630 та бўш ҳамда 374 та квота ўринлари билан қатнашди. Пировардида 1701 нафар талабгор йигит-қизнинг 743 нафарига мутахассислиги буйича ишга йўланма берилди. Шу жумладан, 14 нафар ногирон ўзларига мос фаолият тури билан шуғулланадиган бўлишди.

А. САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

Жорий йилнинг биринчи ярмида мамлакатимизда замонавий миниускуналар билан жиҳозланган

66 та қайта ишлаш корхонаси ташкил этилди.

ҚАЙТА ИШЛАШ КОРХОНАЛАРИ КўПАЙМОҚДА

Бу, ўз навбатида, жойларда мевасабзавот, гўшт ва сутни қайта ишлаш ҳажмини янада кўпайтириш имконини берди.



Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Адлия органлари ва муассасалари фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар қилиш тўғрисида

(Давоми. Боши 1-бетда).

164-моддалар, № 8, 367-модда, № 9, 416-модда, № 12, 598, 608-моддалар; 2008 йил, № 4, 192-модда, № 12, 640-модда; 2009 йил, № 9, 337-модда) қуйидаги ўзгартишлар ва қўшимча киритилсин:

1) қуйидаги мазмундаги **1140¹-модда** билан тўлдирилсин:

«1140¹-модда. Меросни қабул қилиб олиш ҳуқуқининг ўтиши (мерос трансмиссияси)

Агар васиятнома бўйича ёки қонун бўйича ворисликка чақирилган меросхўр мерос очилганидан кейин уни қабул қилиб олишга улгурмасдан вафот этган бўлса, унга тегишли керак бўлган меросни қабул қилиб олиш ҳуқуқи унинг қонун бўйича меросхўрларига, агар барча мерос мол-мулк васият қилинган бўлса, унинг васият бўйича меросхўрларига ўтади (мерос трансмиссияси). Мерос трансмиссияси тартибда меросни қабул қилиб олиш ҳуқуқи бундай меросхўрнинг вафотидан кейин очилган мерос таркибига кирмайди.

Вафот этган меросхўрга тегишли меросни қабул қилиб олиш ҳуқуқи унинг меросхўрлари томонидан умумий асосларда амалга оширилиши мумкин.

Меросхўрнинг ушбу Кодекснинг 1142-моддасида назарда тутилган мероснинг бир қисмини мажбурий улуш сифатида қабул қилиб олиш ҳуқуқи унинг меросхўрларига ўтмайди;

2) **1147-модданинг:**

биринчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Меросхўр мерос очилган кундан эътиборан исталган вақтда меросдан воз кечишга ҳақли»;

бешинчи қисми чиқариб ташлансин;

3) **1151-модданинг иккинчи қисмидаги** «ушбу Кодекснинг 1147-моддасида назарда тутилган муддат ичيدا» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

4) **1157-модданинг иккинчи қисмидаги** «бир йил» деган сўзлар «чч йил» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 29 августда қабул қилинган 261-1-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Консуллик устави** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 124-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда) **60-моддаси биринчи қисмининг 1-бандидаги** «уй-жойларни» деган сўзлар «уй-жойни (жойнинг бир қисмини), квартира, дала ҳовли, бог ҳовли, гаражи, шунингдек бошқа бино, ишоотни ёки иморатни» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

6-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 декабрда қабул қилинган **«Нотариат тўғрисидаги»** 343-1-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 2, 42-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда; 2006 йил, № 9, 498-модда; 2007 йил, № 12, 608-модда; 2009 йил, № 9, 337-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **1-модданинг матни** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикасида нотариат қонунларида назарда тутилган нотариал ҳаракатларни ҳамда улар билан бевоқифлик бўлиб қолган ҳуқуқий ва техник тусдаги ҳаракатларни нотариуслар томонидан амалга ошириш йўли билан жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлашга даъват этилган ҳуқуқий институтдир.

Ўзбекистон Республикасида нотариал ҳаракатлар ушбу Қонунга мувофиқ давлат нотариал идораларининг (бундан буён матнда нотариал идора деб юритилади) нотариуслари томонидан амалга оширилади. Нотариал идораларнинг реестрини Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги юритади.

Бошқа давлатларнинг ҳудудига нотариал ҳаракатларни Ўзбекистон Республикаси консуллари амалга оширади»;

2) **2-модданинг матни** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Игирма беш ёшдан кичик бўлмаган, олий юридик маълумотга, юридик мутахассислик бўйича камида уч йил муддатли иш стажига эга бўлган, шу жумладан нотариал идорада камида икки йил муддатли стажировкани ўтаган, малака имтиҳонини топширган Ўзбекистон Республикаси фуқароси нотариус бўлиши мумкин.

Қуйидагилар нотариус бўлиши мумкин эмас:

белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган шахс;

қасддан содир этган жинояти учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган шахс;

ўз касбий фаолиятига мос келмайдиган қилмишлар содир этганлиги учун нотариус, адвокат, терговчи, прокурор, судья ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг бошқа ходими сифатидаги ваколати белгиланган тартибда тугатилган шахс.

Нотариус ёрдамчи ва стажёрга эга бўлиши мумкин.

Нотариусларга қонун ҳужжатларига мувофиқ махсус уноёнлар — мансаб даражалари бериллади»;

3) қуйидаги мазмундаги **2¹** ва **2²-моддалар** билан тўлдирилсин:

«2¹-модда. Нотариус ёрдамчиси

Юридик маълумотга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароси нотариус ёрдамчиси бўлиши мумкин.

Ушбу Қонун 2-моддасининг иккинчи қисмида кўрсатилган шахслар нотариус ёрдамчиси бўлиши мумкин эмас.

Нотариус ёрдамчисини ишга қабул қилиш Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, шунингдек вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари (бундан буён матнда адлия бошқармалари деб юритилади) томонидан амалга оширилади.

Нотариус ёрдамчиси нотариуснинг топширигига қўра нотариал ҳаракатларни амалга оширишда иштирок этишга, битимлар, аризалар ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини тузишга, ҳужжатларнинг кўчирма нусхалари ва дубликатларини, улардан кўчирмаларни тайёрлашга, шунингдек нотариал ҳаракатларни амалга ошириш масалалари юзасидан тушунтиришлар беришга ҳақли.

2²-модда. Нотариус стажёри

Олий юридик маълумотга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароси нотариус стажёри бўлиши мумкин.

Ушбу Қонун 2-моддасининг иккинчи қисмида кўрсатилган шахслар нотариус стажёри бўлиши мумкин эмас.

Нотариус стажёрини ишга қабул қилиш Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, адлия бошқармалари томонидан амалга оширилади.

Стажировка нотариал идорада ўталади. Нотариус стажёри ўз фаолиятини нотариус раҳбарлигида, унинг алоҳида топшириқларини бажарган ҳолда амалга оширади.

Нотариус стажёрининг фаолиятини ташкил этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан белгиланади»;

4) **3-модда** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«3-модда. Нотариус қасамёди

Нотариус Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Олий малака комиссиясининг мажлисида қуйидаги мазмунда қасамёд қилади:

«Нотариус вазифасини ҳалол ва виждонан бажаришга, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига қатъий риоя этишга тантанали қасамёд қиламан»;

5) қуйидаги мазмундаги **3¹-модда** билан тўлдирилсин:

«3¹-модда. Малака комиссиялари

Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, адлия бошқармалари ҳузуридаги малака комиссиялари (бундан буён матнда малака комиссиялари деб юритилади) стажировкадан ўтган шахслардан малака имтиҳонларини қабул қилиш мақсадида ташкил этилади.

Малака комиссиялари Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, адлия бошқармаларининг қарорлари билан нотариуслар ҳамда адлия органларининг бошқа ходимлари орасидан тенг миқдорда тузилади.

Нотариус лавозимига тайинлаш бўйича танлов ўтказиш тўғрисидаги масалани ҳал этиш, нотариус қасамёдини қабул қилиш, малака комиссияларининг қарорлари устидан берилган апелляцияларни қўриб чиқиш, шунингдек малака комиссияларининг иш амалиётини умумлаштириш ва таҳлил қилиш учун ўн бир кишидан ibорат таркибда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузурида Олий малака комиссияси (бундан буён матнда Олий малака комиссияси деб юритилади) тузилади.

Олий малака комиссияси таркибига Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг, Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик судининг судьялари, нотариуслар ҳамда адлия органларининг бошқа ходимлари, адвокатлар вакиллари қиради. Олий малака комиссиясининг шахсий таркиби Ўзбекистон Республикаси адлия вазири томонидан тасдиқланади.

Олий малака комиссияси ва малака комиссиялари тўғрисидаги низомилар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан тасдиқланади»;

6) **4-модда** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«4-модда. Малака имтиҳонлари

Стажировкадан ўтган шахслар малака комиссиясига малака имтиҳони топширади.

Малака комиссиясининг қарори устидан апелляция малака комиссиясининг қарори манфаатдор шахсга топширилган кундан эътиборан бир ойлик муддат ичيدا Олий малака комиссиясига берилади.

Малака имтиҳонидан ўта олмаган шахслар малака комиссияси томонидан қарор қабул қилинган кундан эътиборан камида бир йилдан сўнг қайта имтиҳон топширишга қўйилади.

Малака имтиҳонини топширган, лекин нотариус лавозимида уч йил мобайнида ишламаган шахсининг нотариус лавозимида ишлашига у малака имтиҳонини қайта топширилганидан кейингина йўл қўйилади»;

7) **6-модда** **учинчи қисмининг учинчи жумласи** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Кўчмас мулк ижараси шартномаларини тасдиқлаш ва ижара ҳақининг миқдори тўғрисидаги, мерос ёки ҳада тартибида фуқаролар мулкига ўтаётган мол-мулкнинг қиймати ҳақидаги маълумотномалар қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда давлат солиқ хизмати органига тақдим этилади»;

8) **7-модданинг номи** ва **биринчи хатбоши** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«7-модда. Нотариус, нотариус ёрдамчиси ва стажёри фаолиятидаги чеклашлар

Нотариус, нотариус ёрдамчиси ва стажёри»;

9) **8-модда** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«8-модда. Нотариал идора

Нотариал идоралар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан ташкил этилади ва тугатилади.

Нотариал идора юридик шахс мақомига эга бўлмайди. Нотариал идоранинг номида «давлат нотариал идораси» сўзлари бўлиши, тегишли туман, шаҳар кўрсатилгани ва зарурат бўлганда, нотариал идоранинг рақами бўлиши лозим.

Нотариал идора тегишли нотариал округ доирасида жойлашган бўлиши лозим.

Нотариал идора биносида фуқароларнинг нотариус ҳузурига кириши, нотариал ҳаракатлар маҳфийлиги, нотариал иш юритиш ҳужжатлари, материаллари ва нотариал архивнинг бут сакланиши, тўловларни қабул қилиш учун шарт-шароитлар таъминланиши лозим»;

10) **9-модда** чиқариб ташлансин;

11) **10-модданинг матни** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Нотариал идора нотариал иш юритиш ҳужжатлари ва материалларининг бут сакланишини таъминлаш, ўз нотариал архивини юритиши шарт.

Нотариал иш юритиш ҳужжатлари ва материаллари уч йил ўтгач Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, адлия бошқармалари ҳузуридаги нотариал архивларга топширилиши керак. Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, адлия бошқармалари ҳузуридаги нотариал архивлар томонидан бериладиган нотариал тасдиқланган ҳужжатларнинг дубликатлари ва реестрлардан кўчирмалар нотариал тасдиқланган ҳужжатларга тенглаштирилади ҳамда уларни берганлик учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳақ ундирилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, адлия бошқармалари ҳузуридаги нотариал архивлар Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвири туширилган мўҳрга эга бўлади.

Нотариал иш юритиш қоидалари, нотариал ҳужжатларни сақлаш муддатлари ва тартиби Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан тасдиқланади.

Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, адлия бошқармалари давлат божи тушувларининг ҳисобини юритади ва улар юзасидан давлат солиқ хизмати органларига ҳисоб-бот тақдим этади»;

12) **11-модда иккинчи қисмининг русча матнидаги** «государственным» деган сўз чиқариб ташлансин;

13) **12-модданинг матни** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Нотариус Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвири туширилган, нотариуснинг исми-шарифининг бош ҳарфлари, фамилияси, лавозими ва нотариал идоранинг номи кўрсатилган шахсий мўҳри, тасдиқловчи ёзувлар битилган штамплари, нотариал идоранинг бланкаларига эга бўлади.

Нотариуснинг мўҳри Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан тасдиқланмаган ягона намуна бўйича тайёрланади.

Нотариус мўҳрининг изи ва нотариус имзосининг намунаси Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлигида, адлия бошқармаларида сақланади»;

14) **14-модданинг номи** ва **матнидаги** «Давлат нотариал идоралари», «давлат нотариал идоралари», «давлат нотариал идораларида» ва «катта давлат нотариуси» деган сўзлар тегишсиз «Нотариал идоралар», «нотариал идоралар», «нотариал идораларда» ва «катта нотариус» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

15) **15-модда** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«15-модда. Нотариус лавозимини таъсис этиш ва тугатиш тартиби. Нотариус лавозимига тайинлаш

Нотариус лавозими Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан таъсис этилади ва тугатилади.

Муайян ҳудуддаги (нотариал округдаги) нотариуслар лавозимларининг сони Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ўрнатилмайдиган тартибда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан белгиланади.

Нотариал округдаги нотариус лавозимига тайинлаш Олий малака комиссияси малака имтиҳонини топширган шахслар орасида ўтказиладиган танлов асосида Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, адлия бошқармалари томонидан амалга оширилади. Танлов ўтказиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан белгиланади.

Нотариус билан меҳнат шартномасини бекор қилиш Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, адлия бошқармалари томонидан меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади»;

16) **16-модданинг:**

биринчи, иккинчи ва учинчи қисмлари қуйидаги мазмундаги **биринчи** ва **иккинчи қисмлар** билан алмаштирилсин:

«Нотариуснинг фаолият кўрсатиш ҳудуди (нотариал округ) Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий бўлинишига мувофиқ белгиланади.

Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, адлия бошқармалари аниқ ҳолатларни ҳисобга олиб муайян нотариал округда нотариал ҳаракатларни амалга ошириш бошқа нотариал округда фаолият юритаётган нотариусга юклаши мумкин. Нотариусга мазкур нотариал округ доирасида иш жой берилиши шарт»;

тўртинчи, бешинчи ва олтинчи қисмлари тегишинча **учинчи, тўртинчи** ва **бешинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

17) **17-модда** қуйидаги мазмундаги **бешинчи** ва **олтинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«давлат органлари, қорхоналар, муассасалар ва ташкилотлардан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш учун зарур бўлган маълумотлар ва ҳужжатларни сўраш ҳамда олиш; жисмоний ва юридик шахслар номидан тегишли давлат органларига мол-мулкка бўлган ҳуқуқларни ва ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказишни амалга ошириш учун, шунингдек ҳужжатларнинг чет элدا амал қилиши учун мазкур органлар томонидан расмийлаштирилган ҳужжатларни олган ҳолда ҳужжатларни легаллаштириш учун мурожаат қилиш»;

18) **18-модданинг:**

еттинчи хатбошиси қуйидаги мазмундаги **еттинчи, саккизинчи** ва **тўққизинчи хатбоши** билан алмаштирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан белгиланадиган тартибда беш йилда камида бир марта ўз касбий малакасини ошириши;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда кўчмас мулк ижараси шартномаларини тасдиқлаш ва ижара ҳақининг миқдори тўғрисидаги, мерос ёки ҳада тартибида фуқаролар мулкига ўтаётган мол-мулкнинг қиймати ҳақидаги маълумотномаларни давлат солиқ хизмати органига тақдим этиши; суд, прокуратура, тергов органлари талабига биноан мазкур органларнинг юритувида бўлган ишлар билан боғлиқ нотариал ҳаракатларни амалга оширганлик тўғрисида маълумотномалар (маълумотлар) бериши»;

саккизинчи хатбошиси **ўнинчи хатбоши** деб ҳисоблансин;

19) **19-модданинг матни** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Нотариус ўз касбий мажбуриятларини бузганлиги учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда жавобгар бўлади.

Нотариус ўз касбий мажбуриятларини бузганлиги оқибатида етказган зарарнинг ўрни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайдиган тартибда давлат томонидан қопланади»;

20) **20-модда** чиқариб ташлансин;

21) **21** ва **22-моддалар** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«21-модда. Нотариал ҳаракатлар ва нотариуслар томонидан амалга ошириладиган бошқа ҳаракатлар учун ҳақ тўлаш

Нотариус нотариал ҳаракатларни амалга оширганлик учун қонун ҳужжатларида белгиланган ставкалар бўйича давлат божи ундиради.

Нотариус нотариал ҳаракатни амалга ошириш учун ўз иш жойидан бошқа жойга борганида манфаатдор жисмоний ёки юридик шахслар унинг ҳақиқатда қилинган транспорт харажатларининг ўрнини қоплайди.

Нотариусга мурожаат қилган жисмоний ёки юридик шахслар билан нотариус ўртасидаги келишувга мувофиқ нотариуслар томонидан амалга ошириладиган ҳуқуқий ва техник тусдаги қўшимча ҳаракатлар учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳақ ундирилади.

22-модда. Нотариал идораларни молиялаштириш

Нотариал идоралар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда молиялаштирилади»;

22) **23-модданинг номи** ва **матнидаги** «Давлат нотариал идораларида ишловчи» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

23) **24** ва **25-моддалар** чиқариб ташлансин;

24) **27-модданинг:**

номидagi, биринчи ва **иккинчи қисмларидаги** «давлат нотариал идорасида» деган сўзлар «нотариал идорага» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи қисмидаги «Давлат нотариуси» деган сўзлар «Нотариус» деган сўз билан алмаштирилсин;

25) **28-модда биринчи қисмининг 1-бандидаги** «Ўзбекистон Республикасидаги уй-жойларни» деган сўзлар «ушбу Қонун 44-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган ва Ўзбекистон Республикасида жойлашган мол-мулкни» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

26) **30-модданинг матни** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Нотариал ҳаракатлар нотариал идораларнинг биноларида амалга оширилади.

Фуқаро касаллиги, ногиронлиги туфайли ёки бошқа сабабларга қўра нотариал идорага бора олмайдиган айрим ҳолларда нотариал ҳаракатлар мазкур фуқаро турган жойда амалга оширилиши мумкин.

Қонун ҳужжатларида нотариал ҳаракатлар нотариал идораларнинг биноларида ташқарида амалга ошириладиган бошқа ҳоллар ҳам назарда тутилиши мумкин»;

27) **37-модданинг матнидаги** «давлат нотариал идорасининг ходимлари ёки хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариуснинг қўлида ишловчи шахслар» деган сўзлар «нотариал идоранинг ходимлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

28) **39-модданинг матнидаги** «давлат нотариал идораси ёки хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус» деган сўзлар «нотариал идора» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

29) **53-модданинг:**

ЖАҲОН 24 соат ичида

Манзилга етиб келолмади

Венесуэлада йўловчи самолёти ҳалокатга учради.

Бу ҳақда мамлакат Транспорт ва коммуникация вазирлиги томонидан маълум қилинди. Кўнгилсизлик Боливар штатидаги Пуэрто-Ордаз шаҳрида юз берган. Оқибатда лайнерда бўлган 15 киши ҳаётдан қўз юмган, яна 36 нафар йўловчи тан жароҳати олган. Шифокорларнинг билдиришича, жабрланганлар ҳаёти хавф остида эмас. Фалокатга учраган самолёт Венесуэланинг "Солваса" авиакомпаниясига тегишли



бўлиб, у Маргарита оролидан Пуэрто-Ордаз шаҳри томон парвозни амалга оширганди. Фалокат сабаблари аниқ кiritилган йўқ.

Хусусий корхоналарга аҳамият

Кубада давлат муассасаларида фаолият кўрсатаётган қарийб ярим миллион хизматчи ишдан озод этилиши ҳамда хусусий сектордаги корхоналарда иш жойлари кўпайтирилиши маълум қилинди.

Манбага кўра, иш ўринларини қисқартириш яқин кунларда бошланади ва кейинги йилнинг ўрталарига ҳам давом этади.

Маълумот сифатида айтиб ўтамиз, мамлакатда кичик корхоналар фаолиятига шу пайтгача бундай катта эътибор қаратилмаганди.

Тақчиллик яна ошди

АҚШда август ойида бюджет тақчиллиги июль ойига нисбатан яна ошган.




Мамлакат молия вазирлиги маълумотларига

қараганда, бу борадаги кўрсаткич июль ойида 90,53 миллиард АҚШ долларини ташкил этган бўлса, ўтган ойда 95 миллиард АҚШ долларига етган. Ҳисобот даврига олиб қараганда эса мамлакатнинг бюджет тақчиллиги 1,260 триллион долларга тенг экан.

Самолётлар сотиб олади

Франциянинг "Turbine" нашининг ёзишича, Хитой "Airbus" самолётсозлик концернидан янги самолётлар сотиб олишини маълум қилди.

Микдори 16 миллиард еврога тенг мажбурий битимга кўра, компания Хитой авиакомпаниялари учун ўрта ва узоқ масофаларга учувчи 150 та лайнер етказиб беради. Шартнома жорий йилнинг ноябрь ойида Хитой раҳбарининг Францияга ташири чоғида имзоланиши кутилмоқда.



Янги раҳбар тайинланди

Финляндиянинг мобил телефонлари ишлаб чиқарувчи "Nokia" компаниясига янги раҳбар тайинланди, дейилади "Евроњьюс" телеканалда.



Тахассисга ишониб топширилди. Қизик жиҳати, раҳбар ўзгариши билан сўнги пайтларда ишлари юришмаётган компания акцияларининг қиймати ҳам 7 фоизга қимматлашган. Бунга корхона томонидан ишлаб чиқарилаётган смартфон русумидаги қўл телефонлари алоқа бозорига асосий рақобатчилар саналган "Apple" ва "iPhone" компанияларининг шу турдаги маҳсулотларидан бир қатор афзалликларга эгаллиги сабаб бўлган.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Манзил қанчалик олис бўлмасин, юрар йўлингиз равон бўлса, ҳам зерикмайсиз, ҳам чарчамайсиз. Бу гапни бугун қорақалпоғистонликларнинг ҳар биридан эшитасиз.

ФАРОВОНЛИККА ЙЎНАЛТИРИЛАЁТГАН САРМОЯЛАР

Сабаби, кейинги йилларда Нукус ихтисослаштирилган йўл ҳўжалиги пудрат таъмирлаш-фойдаланиш корхонаси йўлсозлари саъй-ҳаракатлари билан Нукус шаҳри атрофида кенг ва равон замонавий ҳалқа йўли бунёд этилди. Эндиликда юк ортилган оғир автомобиллар шаҳар ичига кирмай, уни айланиб, ўз манзилларига равона бўлишарди. Шаҳар ичидаги кўплаб таъмирталаб автомобил йўллари ҳам мажбурий корхона ишчилари томонидан ўз вақтида созилиб, фойдаланишга яроқли ҳолга келтириляпти.

Таъкидлаш керакки, бундай хайрли ишларда "Ипотека-банк" АТИБ Қорақалпоғистон филиалининг ҳам муносиб улуши бор. Гап шундаки, банк йўл корхонаси учун 200 миллион сўм кредит ажратди. Корхонага банк томонидан кўрсатилаётган молиявий ёрдам ва сифатли банк хизматлари аниқ пайтда корхона жамоаси томонидан бугунга қадар 1 миллиард 980 миллион сўмлик ишлар бажарилишида муҳим аҳамият касб этди.

Банк филиали жорий йилнинг 8 ойи давомида 3,9 миллиард



Бахтиёр АКРАМОВ олган суратлар.

сўм, жумладан, тадбиркорликни ривожлантиришга 2,4 миллиард сўм кредит маблағлари ажратди. Улар, асосан, санот, курилиш, савдо, маиший хизмат кўрсатиш, қишлоқ ҳўжалиги соҳаларига йўналтирилди. Бунинг эвазига 312 та янги иш ўрни яратилди.

Умуман олганда, филиал томонидан жорий йилнинг саккиз ойи мобайнида озик-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхона-



ларга 610 миллион сўм, ноозиқ-овқат товарлари ишлаб чиқарувчиларга 420 миллион сўм миқдорда кредитлар ажратилди.

Маълумки, эҳролий ўртасида "Нестле" савдо белгиси остида чиқарилаётган сут маҳсулотларига талаб катта. Аниқ пайтда Нукусдаги "Қорақалпоқ Интер Транс" масъулияти чекланган жамияти ягона дистрибутер востачи сифатида ушбу ишларни амалга оширмоқда. Аҳолини "Нестле" сутлари ва янча ичимликлар билан мунтазам таъминлаб келишда корхонанинг банкдан олган 200 миллион сўмлик кредити алоҳида ўринга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 18 майдаги "Еш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони юртимиздаги кўплаб ёш оилалар ҳаётига фойда бахш этгани аниқ ҳақиқат. "Ипотека-банк" АТИБ Қорақалпоғистон филиали томонидан ушбу қарор ижроси юзасидан ҳам ибратли ишлар амалга оширилмоқда. 2009 йилда филиал томонидан битта 40 хона-

донли ва битта 32 хонадонли уй-жой курилиши молиялаштирилди. 2010 йилда ҳам ушбу хайрли иш давом эттирилиши мўлжалланган. Эҳролий пайтда эш оилаларга уй-жой сотиб олиш учун 137,5 миллион сўм ипотека кредити, 29 оиллага эса 102,4 миллион сўмлик истеъмол кредитлари ажратилгани шундан далolat беради.

Дарвоқе, филиалда Европа тикланиш ва тараққиёт банки билан ҳамкорлик ҳам яхши йўлга қўйилган. Ушбу йirik молия муассасасининг кредит линияси орқали "Ипотека-банк"нинг 60 га яқин миқжозига 728,5 миллион сўм маблағлар берилди. Ажратилган кредитларнинг 258 миллион сўми аллақандай банкка қайтарилгани эътиборга моликдир.

Мухтасар қилиб айтганда, "Ипотека-банк" Қорақалпоғистон филиали ажратаётган кредитлар юртимиз ободлигига, аҳоли турмуш фаровонлигига йўналтирилмоқда.

Ҳидоят АҲМЕДОВ, "Халқ сўзи" мухбири.

Жиззах шаҳрида "Баркамол авлод йили" Давлат дастури доирасида аънанавий "Еш тадбиркор — юртга мададкор" тадбири бўлиб ўтди. Ундан кўзланган мақсад вилоят касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлари битирувчиларини кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик соҳасига кенг жалб қилиш ва шу орқали ёшларнинг бандлигини оширишдир.

«ЕШ ТАДБИРКОР — ЮРТГА МАДАДКОР»

Мажбурий тадбир "Микрокредитбанк" очик акциядорлик тижорат банки, вилоят ҳокимлиги, прокуратураси, шунингдек, ўрта махсус касб-ҳунар таълими, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, солиқ бошқармалари ҳамда "Камолот" ЁИХ ҳамкорлигида ташкил этилди.

Унда таъкидландики, мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тобора ривожланмоқда. Бунда давлатимиз томонидан соҳага қаратилаётган алоҳида эътибор, а й н и қ с а , ёшларнинг бизнес лойиҳаларини амалга оширишда кўрсатилаётган ғамхўрлик аниқ мўддао бўлаётир. Ёшларнинг тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишда "Микрокредитбанк"

ОАТБ молиявий қўмак бериб келмоқда. Жумладан, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида касб-ҳунар коллежларининг 969 нафар битирувчисига 1,7 миллиард сўм имтиёзли микросармоялар ажратилган бунга мисол бўла олади. Президентимизнинг 2010 йил 28 июлдаги "Таъ-

лим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ижроси бўйича ўтказилган бу галги анжуманда тадбиркорлик ва аҳоли бандлиги масалалари, ёшларга яратилаётган имтиёз ва имкониятлар хусусида сўз юритилди.

Тадбир нихосида вилоят касб-ҳунар коллежларида билим ва ҳунар сир-асрорларини пухта эгаллаган, ўз куч ҳамда имкониятларини турли танловларда тоблаган, аниқ бизнес режаларига эга бўлган 160 нафар битирувчи "Микрокредитбанк"нинг бошланғич сармоя олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар топширилди.

С. РАҲМОНОВ.

Интилиш

Қамашли туманидаги "Ҳазратчилик Исмат" паррандачилик ҳўжалигида ҳозирда 3000 бош зотдор товۇқ парваришлай йўлга қўйилди.

Хазина топган ишбилармонлар

Аҳамиятлиси, қишлоқ тадбиркорларига ушбу лойиҳани амалга оширишида банкдан ажратилган 20 миллион сўмлик кредит қўл келди. Аниқ пайтда жамоа ички бозорга кунига 1200 донагача тухум чиқармоқда. Таъкидлаш керакки, эндиликда қишлоқ тадбиркорлари паррандалар бош сонини кўпайтириш ҳамда парhez гўштини санот усуларида ишлаб чиқариш лойиҳаси устида иш олиб боришмоқда.

Ф. БОЗОРОВ.

Снижение цен у официального дистрибьютора

Advertisement for Nissan cars. Qashqai 2.0: 108 000 000 sum, 97 000 000 sum. Tiida 1.6: 80 000 000 sum, 60 000 000 sum. Includes images of the cars and contact info: Premium Auto 295 88 77.

Qishloq Qurilish Bank

Advertisement for Qishloq Qurilish Bank. Moody's Investors Service rating. "Қишлоқ қурилиш банк" рейтингларини яна бир бор тасдиқлади: молиявий барқарорлик рейтингини: E+; миллий валютадаги банк депозитлари рейтингини: B1/NP; хорижий валютадаги банк депозитлари рейтингини: B2/NP; барча рейтинглар прогнози: барқарор. "Қишлоқ қурилиш банк" фаровон ҳаётингиз хизматида!

Advertisement for Vostok Rus Avto MCHJ. UAZ Hunter, UAZ Patriot Limited, UAZ-3303, UAZ-39625, UAZ-39094. Includes images of vehicles and contact info: Тел./факс: 279-30-57, 279-30-58. Манзил: Тошкент ш., Бунёдкор шк., 27-уй.

Advertisement for Central Asian Industrial Week. ENERGETIKA, TOF-KON IШИ, МАШИНАСОЗЛИК. 22 сентябрь: Энергетика халқаро конференцияси Мавзу: «Энергетика — 2010: инновациялар, ечимлар, истикболлар». 21-23 сентябрь: Иштироки компанияларнинг стендлари орқали таништириш маросими. Includes images of industrial equipment and contact info: www.ite-uzbekistan.uz

ИСТИҚЛОЛ ФАРЗАНДЛАРИ

мамлакатимизда кенг қўламли ислохотларнинг самарали амалга оширилишида фаол иштирок этмоқдалар

(Давоми. Боши 1-бетда).

Кувонарлиси, алоқа ва ахборот-коммуникация тизимининг замонавий техника жиҳозлари билан таъминланган бу масканда тахсил олган кўплаб ёшлар бугун халқ хўжалигининг турли жабҳаларида самарали ишламоқдалар.

Илм масканидаги энг замонавий алоқа ва ахборот ускуналари билан жиҳозланган ўқув аудиториялари, адабиётларга бой ахборот-ресурс маркази ёшларнинг пухта билимга эга бўлишида муҳим аҳамият касб этмоқда. Хусусан, коллежда Ўзбекистон — Германия ҳамкорлиги лойиҳаси доирасида ахборот-коммуникация технологиялари йўналиши бўйича жиҳозланган тўртта ўқув лабораторияси мавжуд. Бундан ташқари, ёшлар махсус амалиёт устaxonасида олган назарий


билимларини мустақамлаб борадилар. Яна бир ҳамкор — «Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясининг Наманган филиали эса коллежнинг рақамли узатиш тизимларини ишлатиш, таъмирлаш ва хизмат кўрсатиш йўналиши бўйича амалиёт ўтказиладиган ўқув устaxonасини зарур ускуна ҳамда жиҳозлар билан таъминлашда яқиндан кўмак бериб келмоқда.

— Коллежимиздаги йўналишлар орасида ахборот-коммуникация технологияларига бўлган қизиқиш нихоятда кучли, — дейди мазкур ўқув муассасаси директори Адхамжон Мадмусаев. — Чунки «Намангантелеком» алоқа компаниясининг филиаллари, алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги вилоят бошқармасининг кўйи бўғинларида бундай мутахассисларга талаб ортиб бормоқда. Шу боис

ўқувчиларнинг аксарияти коллежни битиргунча ўқиш билан бирга корхона ва ташкилотларда амалиёт ўтаб, ўзларининг аниқ иш ўринларига эга бўлмоқдалар. Жумладан, «Наманган почтаси» акциядорлик жамияти 2008 — 2009 ўқув йилида 25 нафар битирувчинини ишга қабул қилди. Жорий йилги битирувчиларнинг аксарияти ўқув даргоҳи ва корхоналар ўртасида имзоланган ҳамкорлик шартномасига мувофиқ, ўзи амалиёт ўтган корхона жамоаси аъзосига айланди. Ўн икки нафар битирувчи айти пайтда олий ўқув юртида ўқишни давом эттиряпти.

Дарҳақиқат, юртимизда ёшларнинг ҳар томонлама билим ва салоҳияти бўлиб камол топиши учун яратилаётган бундай шароитлар, янги-янги ўқув даргоҳларининг бунёд этилаётгани таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохотларнинг ижобий самарасидир. Шундай экан, бугун ёшлардан яхши ўқиш, танлаган касбини мукамал эгаллаш, жамиятнинг олдинги сафларида бўлиш талаб этилади. Зеро, мамлакат келажиги интелектуал салоҳиятга, эзюк ёшларга боғлиқ экан, билдирилган ишончни оқлаш ҳамда илгор ёшлар сафига бўлиш ҳар бир йигит-қизнинг дилдаги эзю мақсадидир.

Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.
Ҳасан ПАЙДОЕВ
олган суратлар.



Урганчликларга тухфа

Урганч шаҳрида аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш тобора яхшиланиб бормоқда.

Яқинда 20 та янги «ISUZU» автобуслари олиб келиниб, йўловчилар ташвиш йўлга қўйилгани шундан далолат бериб турибди. «Опель транс» МЧЖ томонидан лизинг асосида харид қилинган ушбу автобуслар арзонлиги, ихчамлиги билан ша-

ҳарликларга манзур бўлаётди. Жорий йил охирига қадар ана шу мақсадлар учун яна 20 та автобус олиб келиниши кўзда тутилмоқда.

О. РАҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ОБ-ҲАВО (15 сентябрь)

Корақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти. Ҳаво ўзгариб туради, айрим жойларда ёмғир ёғади. Кечаги 8-13, кундузи 18-23 даража иссиқ бўлади.
Бухоро ҳамда Навоий вилоятлари. Баъзи худудларда ёмғир ёғиши кутилмоқда. Ҳарорат тунда 10-15, кундузи 21-26 даража иссиқ бўлади.

Тошкент, Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кузатилмайдми. Кечаги 8-13, кундузи 23-28 даража иссиқ бўлади.
Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кутилмайди. Кечаги 11-16, кундузи 28-33 даража иссиқ бўлади.

Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари. Ёғингарчилик кузатилмайдми. Тунда 10-15, кундузи 23-28 даража иссиқ бўлади.

Тошкент шаҳри. Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Ҳарорат тунда 8-10, кундузи 26-28 даража иссиқ бўлади.

«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.

Мактаб учун мухташам бино

Чимбой туманидаги 50-сонли бошланғич таълим мактабига кенг қўламли реконструкция ишлари амалга оширилгач, бутунлай янгича қиёфа касб этди.

Эндиликда «Қамисариқ» ва «Тунгмўйин» қишлоқ фуқаролар йиғинлари худудид

Мазкур зиё масканини бунёд этиш учун «Автоқурилиш» МЧЖ қурувчилари бу ерда

37 миллион сўмликдан зиёд қурилиш-монтаж ишларини амалга оширдилар.

А. ҲИДОЯТОВ.

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 803. 41789 нухада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Копиялар 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.



ISSN 2010-8788

Баркамол авлод тарбиясида спортнинг ўрни, аҳамияти катта. Шу боисдан ҳам мамлакатимизда спорт оммавийлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратиляпти. Замонавий спорт мажмуалари, майдонлар, сузиш ҳавзалари барпо этилиб, уларда ёшларимизнинг истаглан спорт тури билан шуғулланишлари учун шарт-шароитлар муҳайё қилинмоқда. Юртбошимиз раҳнамолигида болалар, жумладан, қизлар спортни раванқи йўлда амалга ошириляётган ишлар ўз натижаларини бермоқда.


Буни бухоролик гимнастикачи қизларнинг халқаро мусобақаларда эришяётган муваффақиятлари мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

— Иқтидорли қизларимиз Хусниябону Фулмова ҳамда Сарвиноз Холиқованинг Ўзбекистон терма жамоаси сафида Осиё чемпиони бўлганидан хабардорсиз, албатта, — дейди Бухоро шаҳридаги «Нафис» спорт мажмуаси директори Азизбек Содиков. — Бу ғалаба мажмуамизга бадий гимнастика билан жиҳдий шуғулланаман, деган ниятда келган қизларга намуна вазифасини ўтапти. Ҳозир беш нафар вакилимиз мамлакат терма жамоаси аъзоси саналади.

«Нафис»да ташкил этилган профессионал гуруҳларда 150 нафардан зиёд қиз бадий гимнастика билан шуғулланмоқда. Улар ихтиёрига барча қулайликларга эга иккита зал бериб қўйилган. Тўққиз нафар мураббий қизларга мазкур спорт тури сир-асрорларини ўргатапти.

— Менинг гуруҳимда иқтидорли қизлар кўп, — дейди мураббий Екатерина Купатадзе. — Улар билан машғулот ўтказишимиз учун

НАФОСАТ ВА ГЎЗАЛЛИК ЖОЗИБАСИ



бу ерда барча қулайликлар бор. Мақсадимиз — чемпион қизларга муносиб издешлар тайёрлаш. — Бухоро шаҳридаги 21-мак-

табнинг 2-синф ўқувчисиман, — дейди Мафтуна исмли қизалоқ. — Гимнастика билан мунтазам шуғулланиб, яхши натижаларга эришмоқчиман. Мақсадим Хусниябону ҳамда Сарвиноз опамларга ўхшаб нуфузли халқаро мусобақаларда чемпион бўлиш. Ҳар қандай спорт тури, хусусан, бадий гимнастикада

Бадий гимнастика

лиқни талаб қилади. Бухорода бу борада яхшигина тажриба тўпланган. Чунончи, ҳар йили ташкил этиладиган мамлакат чемпионатида вилоят терма жамоаси совриндорлар сафидан ўрин олиб келмоқда. Бу

ютукда яқинда спорт устаси нормативини бажарган Дарья Свечникова, спорт усталигига номзод Замира Санокуюлованинг ҳиссаси катта. Яна бир жиҳат эътиборни тортмай қўймайди. Бадий гимнастика қишлоқ жойларидан ҳам раванқ топапти. Вилоятда айти дамда икки минг нафардан зиёд қиз спортнинг шу нафис тури билан мунтазам шуғулланапти. 31 нафар малакали мураббий улар маҳоратини ошириш билан машғул. Бухоро, Пешку, Ромитан, Шофиркон туманларидан истеъдодли бадий гимнастикачилар етишиб чиқаяпти. Бу эса мусобақаларда рақобат муҳитини кучайтирмоқда. Зеро, ҳар қандай спорт тури каби бадий гимнастикада яхши маънодаги рақобат бўлғуси ютуқлар калитидир.

Истам ИБРОХИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.
Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

АЁЛ СОҒЛОМ БЎЛСА, АВЛОД СОҒЛОМДИР

(Давоми. Боши 1-бетда).

Мана, беш йилдирки, Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон гимнастика федерацияси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда бошқа мутасадди ташкилотлар ҳамкорлигида аънавий тарзда «Аёл соғлом бўлса, авлод соғломдир» шiori остида ташкил этилаётган ушбу тадбир аёллар спортини ривожлантиришда ўзига хос аҳамиятга эга бўлмоқда. Бу галги фестивалда мамлакатимизнинг барча худудидан келган 500 нафар илтироқчи спортнинг волейбол, теннис, стол теннис, шахмат, дартс, синхрон сузиш ва гимнастика турлари бўйича маҳоратини намойён этмоқда. Фестиваль беллашувлари пойтахтимизнинг «Универсал» спорт саройи ҳамда Ўзбекистон Миллий университети спорт мажмуаларида бўлиб ўтапти.

— Хотин-қизлар спортини ривожлантиришда оммавий спорт тадбирлари беҳисоб аҳамиятга эга, — дейди Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги бошқарма бошлиғи Рашид Толипов. — Шу маънода, бугунги гимнастрада ва спорт фестивали хотин-қизларни жисмоний тарбия ҳамда спортга кенг жалб этиш, уларнинг саломатлигини мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутаяди, десак, янглишмаган бўламиз. Чунки тадбир иштирокчилари мусобақалар олдида тўлиқ тиббий текширувдан ўтказилдилар. Уларнинг спорт беллашувариди муваффақиятли катнашчилари, шунингдек, маданий ҳордиқ чиқаришлари учун барча шарт-шароит яратилган.

Спорт ва гимнастрада фестивалида илк бор иштирок этаётган, — дейди бухоролик Гуландом Айназарова. — Ундан олган таассуротларим бир олам. Спортнинг бадий гимнастика ва волейбол турларига нихоятда қизиқаман. Шу боис ушбу тадбирда катнашиш истаги тўғилган эди. Ўзим мактабда жисмоний тарбия ўқитувчиси бўлиб ишлайман. Яқинда ўқув даргоҳи қошида гимнастика тўғрисида ташкил этдик. Шунинг учун ҳам мазкур фестивалда катнашиб, профессионал ва хаваскор спортчилар маҳорати билан яқиндан танишиш мен учун нихоятда қизиқарлидир.

Дарҳақиқат, спорт фестивали доирасидаги қизгин беллашувлар, маданий тадбирлар, концерт дастурлари иштирокчиларга унутилмас таассуротларни ҳаёда этмоқда. Айниқса, фестивалнинг тантанали очилишида ёш санъаткорлар ҳамда спорт усталари иштирокида намойиш қилинган концерт дастури тадбир қатнашчиларига байрамона кайфият бахш этди.

Фестивалнинг очилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика хотин-қизлар қўмитаси раиси Ф. Акбарова сўзга чиқди.

Муборак ОХУНОВА,
«Халқ сўзи» мухбири.

ОНКОЛОГИЯНИНГ ДОЛЗАРЪ МАСАЛАЛАРИ

Пойтахтимизда онкология соҳасида янги диагностика ва даволаш технологияларини қўллаш масалаларига бағишланган илмий-амалий анжуманда мамлакатимиз илмий-амалий тиббиёт марказлари, илмий тадқиқот институтлари олимлари, онкология диспансерлари шифокорлари ҳамда россиялик мутахассислар иштирок этди.

Республика онкология илмий маркази директори С. Наврузов мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар жараёнида онкология хизматини ривожлантиришга қаратиляётган эътибор юксак самаралар бераётганини алоҳида таъкидлади. Президентимиз Ислам Каримовнинг 2007 йил 19 сентябрда қабул қилинган «Соғлиқни сақлаш тизимини ислохот қилиши янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисидаги Фармониди белгиланган вазифалар изчил амалга оширилиши натижасида халқимизга тиббий хизмат кўрсатиш даражаси янада ошмоқда.

Тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича амалга оширилаётган лойиҳалар, ташхис қўйиш ва даволаш

Анжуман

борасида илгор технологияларни ишлаб чиқиш ҳамда ўзлаштириш, хасталикнинг олдини олишга қаратилган тадбирлар самарасида юртимизда онкология касалликлари билан хасталаниш ҳолатлари камайди.

— Ўзбекистонда аҳолига онкологик хизмат кўрсатишнинг мустаҳкам тизимини шакллантиришга гувоҳ бўлдик, — дейди Россия онкология илмий маркази етакчи илмий ходими Андрей Мешаряков. — Шифо масканларингизда

жаҳон тиббиётининг юксак тиббий технологиялари асосида даволаш ишларини амалга ошириш учун барча имкониятлар яратилган. Ўзбекистонлик олимлар хавфли ўсимта касалликларини даволашнинг илгор услубларини ишлаб чиқиш юзасидан изчил тадқиқотлар олиб бормоқдалар. Бу борада эришилган ютуқлар юзасидан илмий марказларимиз ўртасида мунтазам ахборот алмашуви йўлга қўйилган.

Анжуманда республика-мизда онкология хизматининг бугунги ҳолати ва галдаги вазифалар, сўт беги, ўпка, баъадон, лимфа тўқималари саратонини даволашнинг янги усуллари ҳамда бу борада фойдаланиладиган препаратларнинг ўзига хос хусусиятларини, онкология диспансерларининг ютуқ ва аммо-ларига бағишланган маърузалар тингиланди.

Баҳор ХИДИРОВА,
ЎЗА мухбири.

Қорхоналар ва ташқи. юм.лар раҳбарлари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг МОДДИЙ-ТЕХНИКА ТАЪМИНОТИ БОШҚАРМАСИ

қуйидагиларни ишлаб чиқариш ва етказиб бериш бўйича тендер ўтказиши ҳақида эълон қилади:

денгиз тўлкини рангли фуражка-кепилар, денгиз тўлкини рангли қиши шапка-фуражкалар, «қум» рангли камуфляж панамалар, силлиқ бўялган (гладкокрашенные) ип газлама майкалар, ип газлама трусиқлар, иссиқ тутадиган бумазейли қўйлақлар ва кальсонлар, иссиқ тутадиган трикотаж ич кийимлар, денгиз тўлкини рангли ип аралашган жунли жемперлар, ип газлама пайпоқлар, жунли пайпоқлар, погонлар, шевронлар, костюмлар (ноҳарбий), қўйлақлар (ноҳарбий), қўнжи калта ботинкалар (ноҳарбий), жунли свитерлар, жунли ич кийимлар, чармли қўлоқлар, қиши маска-шапкачалар, юк-багаж рюкзакги, пост пўстинлари, ёпинғичли (капюшон) брезент пост пиласалар, ип аралашган жунли армия одеяллари, бир кишилик пахтали матрацлар, 58x58 см. улчамдаги пахтали ёстиқлар.

Мурожаат учун манзил: Ўзбекистон Республикаси, 100070, Тошкент шаҳри, Ш. Руставели кўчаси, 1-берк кўча, 1-уй.

Талабгорлардан тендерда иштирок этиш таклифлари эълон чоп этилган санадан бошлаб 10 иш кунини давомиди қабул қилинади.

Маълумот олиш учун ҳар кун соат 9.00 дан 19.00 га қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилиш мумкин: 8 10 998 (371) 255-75-12, 255-81-45, 231-31-47. Факс: 8 10 998 (371) 281-43-73.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутatlари ва Девони жамоаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси И. Собировга ўғли **САНЖАРБЕКНИНГ** вафоти муносабати билан ҳамдардлик изҳор этади.

Ўзбекистон Бадий академияси Камолиддин Бехзод номидаги миллий санъат институти жамоаси санъатшунослик факультети декани Шоира Фулмовага онаси **МАКТУБА** аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тахриратта келган қўлималар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайдми. Реклама материаллари учун тахрират жавобгар эмас. Газета тахрират компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаяв ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди. [Т]-Тижорат материаллари

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — Ш. Ортиқов.
Навбатчи — Ф. Абиллов.
Мусахҳах — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюқ Турон» кўчаси, 41. ЎЗА яқини — 20.50 Топширилди — 23.00 1 2 4 5